

МАРК ТВЕН – НОВАТОР ЁЗУВЧИ

Мухаббат Мамаджановна Курбанова

Тошкент давлат транспорт университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Тезисда болалар ёзувчиси Марк Твенning ижодининг баъзи қирралари ҳамда АҚШ болалар адабитидаги ўрни ҳақида фикр юритилади. Бунда ёзувчининг ижтимоиф мунсабати, адабиётга олиб кирган янгилиги ҳамда кейинги давр АҚШ болалар насли ҳақида маълумот берилади.

Калит сўз ва иборалар: образ, роман, фантастика, саргузашт, болалар насли, бола руҳияти, Марк Твен.

КИРИШ

АҚШ болалар адабиётига янгилик олиб кирган Марк Твен ўз асарларида ижтимоий ҳаётни кенгпланда тасвирап, жамиятдаги қатор ҳолатларни танқид қиласди. Бу ҳақда олим Сутрина Жон Жозеф шундай ёзади: “Твен ҳеч қандай китобга шарҳ ёки танқидий асарлар яратмади. У эссе, роман ва шахсий ёзишмаларида адабий танқидга қўшган ҳиссасини тушуниш учун унинг асарларини диққат билан қўиши, ундан ёзувчи қарашлари қидириш керак бўлади. Чунки Твен асарларида адабиёт ҳақида тўғридан-тўғри изоҳлардан ташқари, ижтимоий танқид сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган танқидлар ҳам бор”. Дарҳақиқат, “Том Сойернинг саргузаштлари” романида 1840 йиллардаги АҚШ ҳаёти, одамларнинг турмуш тарзининг жамият ахлоқига таъсири танқид қилинади. Тўғри, романдаги Гек тасвири ва уни одамлар қандай тушуниши, Гекнинг ўзи қандай бўлганлиги аслида жамият ахлоқига бўлган муносабат саналади. Бундан ташқари, Том, Гек каби болалар тимсолида қатор ижтимоий урф-одатлар ҳам танқид қилинади. Биринчи галда болаларни ёшлигидан ахлоқан етук, маънан такомиллашиб борадиган, жисмонан кучли этиб тарбияланиши керак бўлганлиги ҳақидаги ўша давр қарашларини танқид қиласди. Романдаги Томнинг Гекка бўлган муносабати сифатида келтирилган парчада ҳам кўриш мумкин. Ёзувчи болалар насрининг асл мақсади дидактика эмас, балки кўрсатиб бериш, болада ўша вазиятни ўз қалбидан синтез қилиш ва тегишли ижобий хulosса чиқаришига ишониш кераклигини илгари суради. Дарҳақиқат, қатор эпизодларда биз Том ёки Гекнинг жасоратли, қалтис вазиятларда тезкор қарор қабул қилиши топкирлиги, ўрни билан меҳрибонлигини кўп кузатамиз.

АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Марк Твен “Том Сойер саргузашлари” роман-трилогияси мувафақияга эришгандан кейин Том Сойер туркумидаги яна иккита асар ёзди. Аммо улар у қадар етук асар чиқмади. Лекин яратилган уч асарнинг ўзиёқ ёзувчининг болалар адабиётидаги мустаҳкам ўрнини белгилаб берди. Буни таниқли ёзувчи Эрнест Хемингуэй қуйидагича эътироф этади: «Американинг барча замонавий адабиёти Марк Твеннинг «Гекльберри Финн» деб номланган бир китобидан чиққан... Унгача ҳам ундан кейин бу каби мўъжизакор асар бўлмаган» деб таъкидлаган.

Юқорида таъкидланидек, Марк Твен “Том Сойернинг саргузашлари”, “Гекельберри Финн саргузашлари” каби романларининг мантиқий давоми бўлган “Том Сойернинг янги саргузашлари” романини эълон қиласди. У гарчи аввалги уч роман каби шуҳрат қозонмаган бўлса-да, ҳар қалай Том, Гек, Жим образларининг янги саргузашлари эканлиги, сюжет қурилишига кўра, хронологик тартибга эгалиги, воқеалар кескин бурилиши, таваккалчилик, жасорат, воқеалар тезлиги билан ажralиб туради. Масалан, Том саёҳатдан ўзи яшайдиган шаҳарчага қайтиб келгач, бу ерда дастлаб унинг ҳикояларини ҳамма жонқулоғи билан эшилди. Кейинчалик, Том кекса почтачи Нат билан гўё мусобақалашгандек бир-бирига ўз саёҳатларини гапира бера бошлишади. Вақт ўтиб, одамлар унинг саргузашларига қизиқмай қўяди. Айнан шу пайтда Том зерикади ва янги саргузашт излашга чиқади. Эътибор берилса, ёзувчи бола психологиясидаги янгиликка интилиш, кишиларни ҳайратга солиш, шахс сифатида ўзини кўрсатиш кучли бўлганини ифодалаш ёрдамида ўқувчига ижодий фикрлашни, жамиятда янгилик қилиш зарурлигини уқдирмоқда.

Ёзувчи Том, Гек, Жим учаласи ҳаво шарида Муқаддас ер (Қуддус)га боришини муҳокама қилиб турганда, болаларга хос сўзамоллик билан жамиятдаги одамларнинг маънавий қиёфаси, халқларнинг миллий ҳурмати, билим олиш зарурати ҳақидаги кўп фактлар келтириб ўтади. Масалан, Томнинг олижаноблигини сўзлаётганда, у олма ейиб турганда бир одам келиб унга ҳам олмасидан сўраса, у ўйлаб ўтирмасдан беришини, ўша сўраган одам қўлида олма бўлса-ю, Том сўраса пўчоғини ҳам бермаслигини содда тилда изоҳлайди. Ҳинду қабиласи тилини ўрганган одам вафот этгач, ўша ҳиндулар келиб, қабр қазигани ортидан ҳиндуларнинг миллий тилини ҳурмат қилган кишини улар ҳам эъзозлаши баён этилади. Аслида Муқаддас ер (Қуддус), олма, ҳинду тили кабилар тушунчалар бир-биридан йироқ, аммо улар Томнинг тушунчаси бўйича ўзаро боғланган ҳисобланади. Муқаддас ерни худосизлар ифлос этиб ётгани, бу америкалик ғуурига

тегиши, хар бир одам уни бориб озод этиши кераклиги ҳақидаги мақсадларини баён этади. Шунда миллий ғуур тушунчасида олма ва хиндулар келиши ҳақида сўз боради. Бу эса Томнинг фикрлаши анчайин кенглиги, шахс сифатида ўз фикрига эга бўлаётганини билдиради.

Бадий асар ҳаётга ва ҳар образ линиясида намоён бўлган қаҳрамоннинг ўзини тутишига баҳо бериш мақсадида яратилади. Қаҳрамонларда реал типик ҳолат, вазиятнинг ноёблиги мавжуд. Шу маънода Марк Твен жаҳон болалар адабиётида катта силжишлар қила олган ёзувчи ҳисобланади.

АҚШ адабиётида болалар насли тараққиёти Марк Твен йўналишидан бошқача тарзда ҳам давом этди. Хусусан, Герман Адамснинг дидактик асарлари, Жек Лондоннинг саргузашт асарлари, айниқса, XX аср ўрталарида Рей Бредберининг “Винодаги момоқамоқ” (“Dandelion Wine”) болалар фантастик қиссаси машҳур бўлди. Қисса воқеалари 1928 йилда Иллинойс штатидаги бадий асар учун ўйлаб топилган Гринтаун шаҳрида бўлади. Унда 12 ёшли Дуглас ва 10 ёшли Том ҳамда уларнинг уч ойлик чақалоқ укаси тўғрисида бўлади. Рей Бредбери вақт тўхтаб қолиши, бола ҳаётидаги воқеликнинг илмий кўринишини образли ифодалашга ҳаракат қилган. Натижада қисса АҚШ болалар адабиётининг жаҳон халқлари адабиёти даражасидаги намунасига айланди. Аммо Марк Твен ҳам ўз асарлари билан дунё болалар наслида катта ўзгариш ясаган ёзувчи сифатида тан олинади.

ХУЛОСАЛАР

АҚШ болалар наслида ҳам ўзбек болалар адабиётида бўлгани каби тасвиirlанаётган реал ҳаёт, ундаги ҳар бир персонаж, кенг маънода эса бутун жамият образига бадий-эстетик баҳо берилади. Шу маънода болалар наслидаги қаҳрамонлар ҳақиқатга яқин, бола назарида оддий вазият деб қараладиган ҳолатда ҳаракатланади. Ана шу ҳаракат давомида ёзувчининг тафаккур тарзи, унинг ижодий нияти юзага чиқади. Бу эса асардаги ижодий ахлоқ шаклланишига хизмат этади. Аниқроқ айтганда, ёзувчи дастлаб умуминсоний қадриятларни, сўнгра ўзи мансуб халқ тушунчалари асосидаги бола руҳиятини акс эттиради.

REFERENCES

1. Sutrina, John Joseph, "Literary criticism contained in the works of Mark Twain" (1951). Graduate Student Theses, Dissertations, & Professional Papers. 2854. <https://scholarworks.umt.edu/etd/2854>. - 21p.
2. Қуйироқда улардан бири, Томнинг Сахро Кабирга ҳаво шаҳридаги саёҳати ҳақида фикр юритилади.

3. Старцев А. Марк Твен и Америка./Твен, Марк. Собрание сочинений в восьми томах. Том 1. – Москва: Правда, 1980. – 3-4 с.(401).
4. Марк Твен. Том Сойернинг янги саргузаштлари. - Тошкент: Ёш гвардия, 1980. www.ziyouz.com.kutubxonasi.
5. Kurbanova, M. M., & Ataeva, G. B. (2020). Problems facing efl teachers in mixed ability classes and strategies used to overcome them. ISJ Theoretical & Applied Science, 01 (81), 721-725.
6. Курбанова, М. М. (2021, December). ГЕКЛЬБЕРРИ ОБРАЗИ ВА БАДИЙ МАКОН МАСАЛАСИ. In International journal of conference series on education and social sciences (Online) (Vol. 1, No. 2).